

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Каттақўрғон шаҳар драма  
театри директори**

**Б.Тугалов**  
2022й



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## Каттакўргон -2022

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Каттакўргон шаҳар драма театрида ўтказиладиган “Давр Ўғлони” номли спектаклга керакли бўлган товар махсулотлари сотиб олиш.
- 1.2. Танлов охириги киймати –барча товар ва ишлар учун жами 2250000 (ikki million ikki yuzi ellik ming) сўм.
- Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.
- 1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
- Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттакўргон шаҳар драма театри (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
- «Буюртмачи» манзили:, Самарқанд вилояти Каттакўргон шаҳри А.Навоий кўчаси 106 уй.
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Каттакўргон шаҳар драма театри «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклида қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:  
танлов предмети кийматининг қамида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;  
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;  
танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми ( 50 фоиздан кам булмаган ҳолда);  
Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар ( хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди;  
Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3.Қушидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

4.4.Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни,хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.

- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки қун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юболишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.